
Сектор раҳбари таълим муассасаларида

Тошлоқ тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Абдуқаҳҳор Джурабаев ҳудудидаги Сойбўйи маҳалла фуқаролар йиғинида бунёд этилаётган 23-мактабгача таълим ташкилотида бўлди. Сектор раҳбари қурилиш ташкилоти масъуллари иштирокида таълим муассасасида олиб борилаётган ишлар билан танишди.

120 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим ташкилотининг қурилиш ишлари жорий йил якунига топширилиши режалаштирилган. А.Джурабаев таълим муассасасида олиб борилаётган қурилиш ишларини ўз вақтида сифатли тугалланиши учун масъулларга вазифалар белгилаб берди.

Туман ҳокимининг аҳоли яшаш ҳудудларида фуқаролар ва тадбиркорлар учун шарт-шароит яратиш мақсадида олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадидаги ташрифлари давом этмоқда.

2020-10-15 17:59:50